(тахминан 1730-1790)
(1770-1790)

Хива хонлигини идора килган кўнгирот сулоласи асосчиси. Иноклардан Мухамад Амин иноклик лавозимига кўтарилган. Туркманларнинг ёвмут ва човдур кабилаларига карши кураш олиб борган, лекин муваффакиятсизликка учраб Бухорога, Дониёлбий оталик ёнига кетган. Хоразмни бутунлай эгаллаб олган ёвмутлар Хива тахтига Гўйибхоннинг ўгли Жахонгирхонни кўтарганлар. Унинг даврида (1769-1770-йиллар) беш калъа (Хазорасп, Хонка, Урганч, Кат ва Шохобод)да очарчилик ва вабо таркалиб ўзбеклар Орол ва Бухорога кетганлар. 1770-йил Мухаммад Амин инок Бухородан кайтиб келиб ёвмутларни Хоразмдан кувгин килган, тахтга Абулхайрхоннинг ўгли Бўлакайхонни ўтказган. 1782-йилда Бухоро хони кўшинлари кўшинлари хужумини даф этади. Мухаммад Амин инок мустакил бекларни хам бўйсундирганидан кейин Хива хонлигида иктисодий хаёт бир кадар жонлана бошлади. Ўзга юртларга кочиб кетган ахоли аста-секин кайтиб кела бошлади.
Мухаммад Амин инок хон авлодидан бўлмагани учун тахтга кўгирчок хонларни ўтказиб, хокимиятни улар номидан бошкара бошлаган. Мухаммад Амин инок 20 йил мобайнида 13 марта Хива хонини алмаштирган. Факатгина Мухаммад Амин инокнинг набираси Элтузар (1804-1806-йиллар) 1804-йилда четдан чакирилган сохта хон Абулгозини тахтдан тушириб, ўзига хон унвонини кабул килади. Хоразимлик тарихчилар (Мунис, Огахий, Баёний ва бошкалар) Мухаммад Амин инок хусусида анча илик фикр билдирганлар. Мухаммад Амин инок даврида Хива шахрида Мухаммад Амин инок мадрасаси курилди (1765-йил), шахарнинг Нодиршох боскинида вайрон бўлган девори ва дарвозалари кайта тикланди (1785-йил), Хиванинг Жоме масжиди кайта курилиб, унинг ёнида чиройли минора кад кўтарган.